КУТУБХОНАСИ
ТАЛАБНОТЛАР ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ, 6 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 107 (10.664) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик ҳамда Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳрида «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Бугунги Андижон» китобининг тақдимоти ўтказилди. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган мазкур китобда Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, шу заминда истиқомат қилаётган меҳнаткаш инсонларнинг Мустақиллик даврида амалга ошираётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

● Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасига атроф-муҳит ҳолати мониторинги учун экологик индикаторлар» лойиҳаси юзасидан анжуман ташкил этилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Термиз шаҳрида сайёр йиғилиш ўтказди. Унда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сурхондарё вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама қилинди.

● Оҳангарон шаҳар ҳокимлигида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент вилояти ҳудудий комиссияси йиғилиши ўтказилди.

● Италиянинг Турин шаҳрида якунланган жаҳон шахмат Олимпиадасининг сўнгги турида шахматчиларимиз етакчи терма жамоалардан ҳисобланган Озарбойжон вакиллари устидан 2,5:1,5 ҳисобида зафар қучишди. Шу тариқа ҳамюртларимиз умумий ҳисобда 31 очко жамғариб, 150 та жамоа ўртасида 13-ўринни эгаллашди.

● Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Лангар фуқаролар йиғинига қарашли тоғли ҳудудда жойлашган Оқсув қишлоғида «Спорт — саломатлик гарови» ҳамда «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуларида вилоят миқёсида форум бўлиб ўтди.

● Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги «Пичоқчи» қишлоғида спорт-соғломлаштириш мажмуи ишга туширилди. Аввалги хўжалик идораси қайта таъмирланиб, шинам, барча қулайликларга эга спорт масканига айлантирилди. Таъмирлаш ишларига қишлоқнинг фермерларию тадбиркорлари бош қўшишиб, 20 миллион сўмлик ёрдам кўрсатдилар.

● Бухоро шаҳрининг Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида Диагностика маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Саломатлик» жамғармаси 1 миллиард 430 миллион сўм маблағ сарфлади. Бу ерда 40 нафарга яқин олий маълумотли малакали шифокор фаолият кўрсатаётган бўлиб, замонавий хориж ускуналари ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйилиб, даволанади.

ЖАҲОНДА

● Перуда бўлиб ўтган президентлик сайловларида социал демократлар вакили Алан Гарсиа ғолиб чиқди. У миллий блок вакили, собиқ генерал Ольянта Умалани 55,5 фоизлик овоз билан ортда қолдирди. Айтиш керакки, Алан Гарсиа аввал — 1985 йилдан 1990 йилгача ҳам Перунинг Президенти бўлган.

● Кеча Москвада Бутунжаҳон газета конгресси бошланди. Эртага ўз ишини якунлайдиган мазкур халқаро анжуманда 104 мамлакат вакиллари иштирок этмоқда.

● Собиқ Сербия ва Черногория давлат ҳамжамияти президенти Светозар Марович Черногория давлат мустақиллигини эълон қилиши муносабати билан ўз ваколати тугатилишини маълум қилди. Светозар Марович президент бўлган даврда Сербия ва Черногория халқи ҳамда ҳукуматига ҳамкорлик ва ишонч учун ташаккур билдирди.

● Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатда «аграр инқилоб» ўтказилишини эълон қилди. Унга кўра давлат раҳбарининг қарорига мувофиқ, 2011 йилга қадар 20 миллион гектар ер деҳқонларга тарқатилади. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар ихтиёридаги экин майдонлари камбағал оилаларга тақдим этилади.

● Ироқда жангариларнинг дипломатик корпус вакилларига ҳужуми, хорижликларни гаровга олиши тўхтамаяпти. Чунончи шанба куни Бағдодда бир гуруҳ қуролланган кишилар Россиянинг Ироқдаги элчихонаси ходимларини гаровга олган бўлса, кеча Бағдод марказида полициячилар кийимини кийган номаълум кишилар томонидан маҳаллий транспорт компанияларининг 50 нафар ходими ўғирлаб кетилди.

● Сочида 17-Кинотавр фестивали очилди. Унинг дастуридан 15 та фильмнинг намойиши ўрин олган. Фестиваль давомида қисқа метражли фильмларнинг танлови ҳам ўтказилади.

● НАТО қўшинларининг Афғонистондаги қўмондони генерал-лейтенант Дэвид Ричардс мамлакатдаги вазиятни яхшилаш ва афғонистонликларнинг ишончини оқлаш учун янги усулларни қўллашга ваъда берди. Яъни июль ойида мамлакатнинг жанубий ҳудудлари устидан назорат АҚШ қўшинларидан НАТОга ўтгач, улар «миллат дўстлари»га айланишади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Мустақилликнинг ўн йиллиги» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Соғлом она ва соғлом бола» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти Миробод туман бўлими Кенгашининг ўнинчи Раёсат йиғилишида жорий йилнинг беш ойи мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди, келгуси режалар белгиланди.

● **КЕЧА** Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Она ва бола» деб номланди.

● **СОБИР РАҲИМОВ** туманидаги «Оймома» маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида иштирок этган кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда меҳрга ташна болажонларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

● **ЮНУСОБОД** туман ФҲДЁ бўлими қошида ташкил этилган «Ёш оила мактаби»да уюштирилган семинар «Оилада тиббий маданиятни ривожлантириш: эрта никоҳнинг салбий оқибатлари» деб номланди.

● **«ЖАР»** спорт мажмуасида Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси, туман «Оила» маркази ҳамкорликларида туманда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида хайрия тадбири уюштирилди.

● **ҲОМИЙЛАР** ва шифокорлар йили муносабати билан 24-меҳрибонлик уйида ташкил этилган тадбирда тарбияланувчиларга эсдалик совғалари ҳадя этилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** жойлашган 57-махсус мактаб-интернатда Миробод туман прокуратураси, туман ИИБ, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган хайрия тадбирида туман фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, тарбияланувчилар ва тарбиячилар иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.





«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи юртимизда ўз соҳасининг энг етакчиси ҳисобланади. Ижодий уй цехларига ўрнатилган замонавий, юқори унумли хорижий дастгоҳ ва ускуналар корхона ишчи-хизматчиларига ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: яқинда ишга туширилган тезкор босма цехида тайёрланаётган ўқув қўлланмалари кўплаб афзалликлари билан ажралиб туради; замонавий, мукаммал, осон бошқариладиган хорижий матбаа машиналари газета цехи маҳсулотларининг сифати, рақобатбардошлигини ошириб, харидоргирлигини таъминламоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН НАВБАТДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН БЎЛДИ.

Ўзбекистон Ички ишлар ҳамда Адлия вазирликлари ҳамкорликда ташкил этган семинарда ана шу ҳужжатларнинг ижросини изчиллик билан таъминлаш ҳақида гап борди. Давлатимиз раҳбарининг аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган қарорлари талабларини бажаришда соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа шахсга беришни расмийлаштиришни тартибга солиш, бундай жараёнларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ички ишлар ва Адлия вазирликлари томонидан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва келишувларни расмийлаштиришда белгиланган қоидаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани эътиборга лойиқ.

Шу йил 1 июлдан бошлаб автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, бундай транспорт воситаларини бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

Семинарда ана шундай ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига амал қилиниши билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Беҳзод НОРБОЕВ
ЎзА мухбири

ИСТЕЪДОДНИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЪТИРОФИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЁШ ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИГА РОССИЯНИНГ «НОВЫЕ ИМЕНА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ СТИПЕНДИЯСИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мусиқашунослар, бастакорлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган ахдлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Россиянинг 1989 йилда ташкил этилган «Новые имена» жамғармаси фаолияти ёш истеъдодларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Мазкур жамғарманинг таниқли мусиқашунослар, бастакорлар, созандалардан иборат вакиллари юртимизга ташрифи чоғида мусиқа ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларида бўлиб, ўқиш жараёни, талабалар ҳаёти билан танишди.

— Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, ёш истеъдодларга бой мамлакат экан,— деди «Новые имена» жамғармаси вице-президенти Эдуард Барзов. — Ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини рўёбга чиқаришига давлатингиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик. Келажаги буюк давлатдагина ёшлар таълим-тарбиясига ана шундай эътибор бўлиши мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Р.Глиэр ҳамда В.А.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейларининг Беҳзод Ҳакимов, Нурон Муқимий, Ойбек Имомов, Равшан Зарипов, Сунната Иброҳимов, Адэль Нортожиева, Анна Цукерванник, Динара Шахитдинова, Беҳзод Неъматов, Улуғбек Шарипов каби ўн беш нафар умидли ёш мусиқачисига Россия жамғармасининг стипендиялари топширилди. Ўзбекистон ва Россия ёш истеъдодларининг концерти намойиш этилди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА «АЁЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД МУРАББИЙСИ» МАВЗУИДА КЎРИК-ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ.

АЁЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД МУРАББИЙСИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танловда кўрикнинг дастлабки босқичларида ғолиб чиққан 14 нафар иштирокчи қатнашди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот- ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорга кўра ташкил этилган мазкур танловнинг дастлабки босқичларида юртимизнинг барча маҳаллалари, хотин-қизлар қўмиталаридан фаол аёллар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар аёлларнинг баркамол авлодни тарбияшдаги имкониятини янада кенгроқ намоён этиши учун улкан шароит яратмоқда. Аёллар давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш баробарида фарзанд тарбияси билан ҳам машғулдирлар.

Танловда аёлларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-тиббий соҳадаги билими, ҳаётий муаммоларни ижобий ҳал этиш маҳоратига оид жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилоятидан Дилором Арслонова бош совринга лойиқ топилди. Сирдарёлик Аноржон Аллаева ҳамда фарғоналик Ўктамхон Солиева биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкентлик Мухтасар Ғуломова, наманганлик Мавлуда Муҳаммаджоновага иккинчи ўрин, андижонлик Соҳибахон Ҳошимова, жиззахлик Баҳринисо Қўзибоева, навоийлик Марям Шодиевага учинчи ўрин насиб этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ МУЗЕЙИДА КЎРГАЗМА

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ АНТРОПОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ МУЗЕЙИДА ШАРҚДА ЯШАГАН РУС ИЖОДКОРЛАРИНИНГ "БУХОРО ИПАГИ ВА ШАРҚ ОҲАНГРАБОСИ" ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

"Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган кўргазмада ўзбекистонлик ва петербурглик олимлар, санъатшунослар, модельерлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, мазкур музейда шарқнинг тарихий маданиятига алоқадор кўплаб ёдгорликлар сақланмоқда. Музей хазинасидан тўқимачилик маҳсулотининг намуналари, байрам, тантана либослари ва тақинчоқлари ўрин олган. Унинг асосий қисмини Бухоро амирлиги, Хива хонлиги давридаги байрам либослари ташкил этган. Мана шундай санъат асарларининг 160 дан зиёди кўргазмага қўйилган. Пахта, ипак ва барқут газламаларига ишланган санъат асарлари, ундаги ранглар жилоси халқ ижодкорларининг истеъдоди ва донишмандлигидан дарак бериб турибди. Кўргазмадан бир пайтлар Петербургга олиб кетилган, номи кенг жамоатчиликка ҳануз ғаяси таниш бўлмаган Явленский, Стенбург, Клюн, Степанова, Родченко, Экстер каби ижодкорларнинг асарлари ўрин олган. Шунингдек, музейда Тошкент либослар уйи дизайнерларининг ижод намуналари ҳам намойиш этилди.


"Туркистон-пресс"

Маҳалланг — ота-онанг

АҲОЛИ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИДА ЎТМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН САЙЛОВЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА ЧИҚМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 474 ТА МАҲАЛЛАНИНГ ДЕЯРЛИ 85 ФОИЗИДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛИБ, ЯНГИ ТАРКИБДАГИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ. САЙЛОВЛАРГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАҲАР КОМИССИЯСИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ШУ КУНГАЧА 132 ТА МАҲАЛЛАДА РАИСЛИК ВАЗИФАСИГА ЯНГИ КИШИЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛДИ. ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ЭСА АМАЛДА БЎЛИБ КЕЛГАН ОҚСОҚОЛЛАР АҲОЛИНИНГ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАНИ БОИС КЕЙИНГИ МУДДАТГА ЯНА САЙЛАНДИ.





Бу борада **Ҳайратий номидаги маҳалла (Учтепа тумани)**нинг ҳамжиҳатлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

— Маҳалламиз ташкил этилганига бу йил 14 йил тўлади. Илгари «Бешқайрағоч» маҳалласи таркибида бўлиб, бир-биримизни унчалик танимасдик, кенгаш иши ҳақида эса мутлақо хабардор эмасдик. Бугун-чи? Кимдан сўраманг, маҳалламизнинг фаолларию етакчиси ким, улар нима билан машғул бўлаётгани хусусида каттаю кичик билади. Маҳалланг—ота-онанг, бир оила деганлари шу бўладида, — дейди Ҳамид Дўстмуҳамедов. — Ҳисобот йиғилишида камчиликлар ҳақида деярли сўз бормайди. Ўзбекчиликда кўпчилик орасида бир бирига таъна тоши отиб, кимнидир изза қилиш ўринли эмас. Тўғри, кенгаш фаолиятида ўзига яраша муаммолар, хато-камчиликлар ҳам бор, аммо бу борада биз аввал гаплашиб, муҳокама қилиб олдик. Сайловда эса долзарб муаммоларни кўтаришга ҳаракат қилдик. Оқсоқолимиз Мажид ака зиёли инсон. Муомала маданияти, одамлар билан тил топишиб ишлашни билади, уларни сабр-тоқатли бўлишга тил учида эмас, балки ўз хатти-ҳаракатлари орқали ўргатади. Балки, кимдир менинг гапларимни унча инобатга олмаслиги мумкин, лекин маҳалламизда турли оқимларга билиб-билмасдан кириб қолганлар умуман аниқланмаган ва бунда аввалambor Мажид аканинг ҳиссаси катта. У маҳалла фаоллари билан ҳар бир оилага кириб бориб, кишиларнинг дарди, керак бўлса ҳасратини ҳам босиқлик билан тинглайди ва ўз ёрдамини ҳам аямайди...

Ҳисобот йиғилишида асосий урғу маънавий-маърифий йўналишдаги ишларга берилгани ҳам бежиз бўлмаса керак. Айниқса, ҳудуддаги 129 ва 117-мактаблар билан ҳамкорликда мунтазам равишда олиб борилаётган тарбиявий тадбирлар ўз самарасини бераётгани, маҳалла ўсмирлари одоб-ахлоқ борасида фақат яхши таърифланаётгани, албатта, маҳалла учун ҳам, ота-оналар учун ҳам катта ютуқдир. Айрим бошқа маҳаллалардан фарқли ўлароқ, бу ерда коммунал масалаларида ҳам мутасаддилар томонидан эътирозлар деярли қузатилмайди. Бунга ўтган давр мобайнида вақтида амалга оширилган тўловлар ҳисобидан маҳалла эҳтиёжи учун 140 минг сўмга яқин маблағ чегирма қилингани ҳам исботдир. Дарвоқе, маҳаллада ободончилик, тозаликка қатъиян риоя этилади. «Махсустранс» корхонаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган деса бўлади. Мукофот тарзида ажратилган маблағларнинг асосий қисми шу корхона ҳиссасига тўғри келади.

Яна бир аҳамиятга эга маълумот. Қоида бўйича, коммунал тўловлар ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг 40 фоизи маҳалла кенгаши аъзолари ўртасида тақсимланиши кўзда тутилган. Аммо айнан кенгаш қарори билан ушбу маблағларнинг 100 фоизи кам таъминланган оилаларга тарқатилган.

Йиғилишда саховатли инсонларнинг бисёр эканлиги айтиб ўтилди. Бизни ҳайратга солгани, улар орасида хорижлик меҳмон Гарри Дик ҳам бор экан.

— Аслида Гарри ўзини меҳмон эмас, балки мезбон сифатида қабул қилишларини истайди. Лекин меҳмон отанг каби улуғдир, шунинг учун қанадалик меҳмонимиз ҳар доим иззат-икромда, — дейди Саидмурод Қарабоев. — Ҳақиқатан ҳам, у бир неча йилдан бери маҳалламизда истиқомат қилиб келади. Ўтган йили унинг асари Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида намойиш этилди. Премьера куни маҳалламиз билан унинг ҳаяжонли дамларига шерик бўлдик. Гарри маҳалламиз қурилаётган гузарга бирмунча пул маблағи ажратди. Қарангки, ўзбекларга хос саховатпешалик, меҳр-оқибат унга ҳам аста-секин сингиб бормоқда...

— Менинг ҳам айнан шу нарса эътиборимни тортди, — дейди тумандаги маҳаллалар фуқаролар йиғини раислигига сайловларда мунтазам қатнашиб келаётган Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Боситхон Юсупов. — Қанчалик кўп гапирилган бўлмасин, яна бир бор шуни таъкидлаб ўтмоқ керакки, маҳаллаларимизнинг ўзига хос хусусиятлари хорижликларни лол қолдирмоқда. Асрлар оша қанчалик тазйиқларга дучор бўлмади маҳаллаларимиз. Лекин ўзини, ўзлигини йўқотмади. Бу дегани биз ҳам ўзлигимизни йўқотмадик ва бугунги кунда ҳамжиҳатлик, мурувватпешалик — узилмас қадриятларимиз сифатида устунлигича қолмоқда. Ҳайратий номидаги маҳаллага келсак, бу ерда қилинадиган ишлар анча кўплигига қарамасдан, авваламбор аҳолининг ўзи ташаббус кўрсатиб, уларни фуқаролар йиғини фаолларига камарбаста бўлиб сидқидилдан бажаришга шайланаётганига гувоҳ бўлдим...

Бу маҳалла фуқаролари ҳисобот берган Мажид Ҳошимовнинг фаолиятини ҳамжиҳатлик билан маъқуллаб, унинг кейинги муддатда ҳам маҳаллага бошчилик қилишига ишонч билдиришди.

Шу тумандаги **«Истиқлол» маҳалласининг** ҳисобот йиғилишида, очиғини айтганда, унчалик уюшқоқлик сезилмаган бўлса ҳам, аммо уни ошкоралик руҳида ўтди деб таърифлаш мумкин. Сайловда аксарият вакиллар қаторида аҳолининг кўпчилиги қатнашиб, муҳокама жараёнида анча фаоллик кўрсатди.

«Истиқлол» маҳалласига асос бундан 40 йил аввал, 1966 йил зилзиласидан сўнг солинган. Ўша йиллари аҳоли болалари учун 236-мактаб қурилганди. Орадан 30 йил ўтар-ўтмас бу мактаб авария ҳолатида дея беркитилди. Қанчадан қанча оилаларнинг фарзандлари бир нечта мактабларга тарқалиб сарсон-саргардон бўлди. Вақти келиб маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракати туфайли талон-тарож қилиб бўлинган мактаб қайтадан тикланди ва ўтган ўқув йили яна фаолият бошлади. Ниҳоят, маҳалла болалари ўз қадрдон мактабида қўним топди. Бу ҳақда ҳисоботда ҳам, музокаралар давомида ҳам кўп фикрлар билдирилди.

Шу билан бирга ҳисобот йиғилишида мавжуд камчиликлар ҳам очиқ-ойдин ошкор этилди. Хусусан, маҳаллада ободончилик ишлари эътибордан четда қолган. Оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам эътирозлар кўп бўлди. Ҳисобот берувчи томонидан бу хусусда гапириб ўтилган бўлсада, аммо сабаби юқори идораларга рўкач қилиб кўрсатилди.

Муҳокамаларда иштирок этганлар кенгашнинг маънавий-маърифий фаолиятига эътиборни кучайтириш, айниқса, ёшлар тарбияси, қонунбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида профилактик ишларни жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Раисликка кўрсатилган уч номзоднинг ҳар бири ўз ҳаракат дастурида мавжуд муаммо ва камчиликларни инобатга олганини изоҳлаб берди ва уларнинг бирон-бири сайловчилар эътиборидан четда қолгани йўқ, албатта. Аммо энг кўп овозни Қобилжон Қоплонов тўплай олди ва натижада «Истиқлол» маҳалласи оқсоқоли этиб сайланди.

Умуман олганда, Учтепа туманидаги 53 маҳалладан 51 тасида ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтган бўлса, фуқаролар йиғини раислигига сайланганларнинг саккиз нафари ўзини ўзи бошқариш органига илк марта етакчилик қилади. Бу борада «Ватанпарвар» ва «Ўрикзор» маҳаллаларига алоҳида урғу бериб ўтиш лозим, чунки ваколатли фуқаролар тавсия этилган номзодлар орасидан кўпроқ аёлларга овоз беришди.

— Шу кунгача бўлган маълумотларга қараганда, эндиликда олтита маҳалла фуқаролар йиғини кенгашини аёлларимиз бошқаради, — дейди Учтепа тумани сайловга кўмаклашувчи комиссия раиси Иброҳим Иноғомов. — Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, икки сайлов оралиғида аҳолимиз фаоллиги анча ошгани яққол кўзга ташланмоқда. Гап фақат уларнинг иштирокида эмас. Сайловлар жараёнида фуқаролар жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий масалалардан яхши воқиф эканлигини намойиш этмоқда. Айниқса кўп қаватли уйлар миқёсидаги маҳалларда ҳам сайловларга қизиқиш анча ортганини сездик ва, юқорида айтиб ўтганимдек, аҳоли томонидан фақат коммунал ёки бошқа маиший масалаларга эмас, балки кўпроқ маҳалла тинчлиги ва осойишталигига эътибор қаратилаётир.

Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласининг ҳисобот йиғилишида эса кўпроқ коммунал масалаларига эътибор қаратилди. Асосан якка тартибдаги хонадонлардан иборат бу маҳалла ҳали янги ҳисобланади. Шу боис ўтган вақт давомида маҳаллани газлаштириш, бу ерга электр қувватини ўтказиш ишларига алоҳида аҳамият берилган. Бу борада кам таъминланган оилалар аниқланиб, хонадонларига имтиёзли равишда газ ўтказилиб, ҳовлиларига асфальт ҳам ётқизиб берилган.

Маҳаллада ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам қилинган. Йиғилишда буларнинг ҳаммасида маҳалла фаоллари ва оқсоқолнинг ҳиссаси борлиги эътироф этилди. Шу билан бирга сўзга чиққанларнинг аксарияти кўчаларни янада обод қилиш, маҳаллага телефон тармоғини келтириш каби масалалар долзарб эканлигини ҳам қайд этишди. Шунингдек, болалар учун спорт майдончаларини ташкил этиш, қарияларга эса чойхона зарурлиги хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Аҳолининг бу хоҳиш-истакларини ким рўёбга чиқаришга қодир, деган савол ўртага ташланганда, Маҳмуд Юсуфжонов шахдам қадам ташлаб, «Агар менга ишонч билдириб, ҳар доим қўллаб-қувватлаб турсанглар ва қийинчиликларда далда бўлсангиз, мен ҳаракат қилиб кўраман», — дея қўлини кўксига қўйди. Маҳалла-кўй учун шунинг ўзи кифоя бўлди. Улар шу кунгача ҳамманинг қувончли ва оғир кунларида бош-қош бўлиб келган бу ёш оқсоқолга яна ишонч билдиришди.

— Кўпчилик олдида сўз бериш осон эмас, бунинг эртага жавоби бўлади, — дейди Марьям Мазитова. — Маҳмуджон икки ярим йил илгари берган ваъдалари устидан чиқди. Демак, унга ишонса бўлади. Аммо биз ҳам фақат кузатувчи бўлиб турмасдан, маҳалламиз осойишталиги ва фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларда бамаслаҳат ва фаол бўлиб иштирок этишимиз зарурлигини унутмайлик. Маҳалла ҳаммамизники, бу бизнинг умумий уйимиздир.

Бектемир тумани сайловга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Комилжон Азизовнинг хабар беришича, **бугун** Ҳусайн Бойқаро номли маҳаллада бўлиб ўтадиган ҳисобот йиғилиши билан туман бўйича сайлов кампанияси ниҳоясига етади. Дастлабки маълумотларга қараганда, тумандаги 12 та маҳалладан учтасида фуқаролар йиғинига янги раислар сайланиши кутилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ҳисобот йиғилишларида сайловчилар томонидан маҳаллаларда ободончилик ишларини кенгайтириш, айниқса ичимлик суви юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, бу борада аҳолининг ҳамжиҳатлиги ва фаоллигига эришиш каби масалалар долзарб дея қайд этилган.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
Аброр Султонов ва Саидмурод Қорабоев олган суратлар.

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ТОК МЕЪЁРЛАГИЧЛАР

БОЗОРДА МАҲСУЛОТ ТУРИ ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, ХАРИДОРДА ҲАМ ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ ШУНЧАЛИК ОШАДИ. ШУ БОИС ҲАМ ТАДБИРКОРЛАР МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.

«Келажакка қадам» хусусий корхонасида асосан матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 1997 йилда 4 ишчи билан иш бошлаган ушбу жамоа аҳлининг сафлари кенгайиб, ҳозирда 28 нафарни ташкил этмоқда. Бу, албатта, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, буюртмаларни ўз вақтида сифатли бажариш, бозорни мукаммал ўрганиш натижасидир. Бу борада уларга замонавий босма машиналар қўл келмоқда.

Шунингдек, кейинги йилларда корхона келажагини кўзлаган тадбиркорлар изланишларини давом эттириб, янги йўналиш бўйича ҳам иш бошладилар. Ички бозор учун янги маҳсулот—3 турдаги токларнинг ўзгарувчи кучларини бир меъёрда етказиб берувчи ток меъёрлагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Улар 2кВт, 5кВт ва 8кВтли бўлиб, барчаси сертификатланган.

—Айни кунларда матбаа маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда ток меъёрлагичлар ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятимизда янги самаралар устида изланяпмиз,—дейди хусусий корхона раҳбари Мурод Аҳмаджонов.—Бу йилги режамиз ток меъёрлагичларнинг янги турларини тайёрлаб, харидорларга етказиб беришдир. Шунинг баробарида маҳсулотларимизни қўшни давлатларга ҳам чиқариш режамиз бор.

«ЧИНОБОД» СУВЛАРИ

ИССИҚ КУНЛАРДА САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР ЧАНҚОҒИНГИЗНИ БОСИШИ БАРОБАРИДА КАЙФИЯТИНГИЗНИ ҲАМ КЎТАРИШИ ТАБИИЙ.

Айниқса, шифобахш «Чинобод» маъданли сувини истеъмол қилсангиз, ҳам чанқоғингиз қонади, ҳам шифо топасиз. Ушбу сув ҳамда яна 10 турдаги салқин ичимликлар шаҳримиздаги «Истиқлол-Файз» корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Корхона цехлари Россиядан келтирилган ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, салқин ичимликлар турларини тайёрлашда Германиянинг «Дохлер» фирмаси концентратларидан фойдаланилади.

—Буюртмачилар талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларимизни замонавий қадоқлашни йўлга қўйиш учун янги жиҳозлар ўрнатишни бошлаб юбордик,—дейди корхона директори Ҳусниддин Файзиев.— Ҳозиргача маъданли сув ва бошқа турдаги салқин ичимликларни шиша идишларда қадоқлаётган бўлсак, эндиликда «Истиқлол-Файз» ёрлиқлари билан пластмасса идишларда чиқара бошлаймиз. Бу албатта харидорларимизни мамнун этади.

Шарофат БАҲРОМОВА

НОН—АЗИЗ НЕЪМАТ

ИНСОН УЧУН, КУНДАЛИК ИСТЕЪМОЛ УЧУН СИФАТЛИ ВА МАЗАЛИ НОН НИҲОЯТДА ЗАРУРЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. АЙНИҚСА, БИЗНИНГ ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИМИЗНИ АЛОҲИДА ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАЙЁРЛАНГАН АЗИЗ НЕЪМАТ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИНИНГ КЎРКИ ҲАМДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН ҚАДРЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.

2003 йилдан буён фаолият юритаётган «Ark-impes» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам бу борадаги ишлари самаралидир. Яъни, бугунги кунда корхона аҳли аҳоли дастурхонига бойитилган ундан инсон саломатлиги учун фойдали, зарур бўлган қўшимчаларга тўйинтирилган нон ишлаб чиқариб, мижозларини мумнун қилмоқда.

Мазкур жамият ишчи-хизматчиларининг баракали меҳнатларида цехларга ўрнатилган Россиянинг «РПА-12» русумидаги замонавий, ишлаб чиқариш қуввати юқори бўлган печь-машинаси мададкор бўлмоқда. Эътиборли томони, у тўла компьютерлаштирилган бўлиб, бошқа печлардан кўплаб жиҳатлари билан мутлақо фарқ қилади.

Шу боис ҳам ўтган—2005 йилда пойтахтимизда «Тошкентнон» уюшмаси томонидан ташкил этилган «Энг яхши нон ишлаб чиқариш ускуналари» мавзуидаги кўргазмада иштирок этган жамият аҳли, бош соврин соҳиби бўлди.

Корхона тадбиркорларининг доимий изланишлари, харидор талаб ва эҳтиёжини чуқур ўрганиб боришлари сифатли маҳсулотлар тайёрлашда қўл келмоқда. Ушбу нонлар ҳозирда шаҳримиздаги 15 та катта-кичик бозорлар, 70 тадан кўпроқ нон дўконларида сотилмоқда ҳамда мактабгача тарбия муассасалари, Меҳрибонлик уйларига етказиб берилмоқда.

ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА БАЖАРИЛАДИ

«ИНТИЛГАНГА—ТОЛЕ ЁР» ДЕБ ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЙТМАЙДИ. БУНИНГ ИСБОТИ СИФАТИДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТЛАРИ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

Улар орасида 2000 йилдан буён оилавий бизнес билан шуғулланаётган хусусий тадбиркор Ботир Дадаматовнинг ўз ўрни бор. Ташаббускор тадбиркор рафиқаси билан ҳамкорликда қиз-жувонларга сифатли, бежирим, қулай либослар тикмоқда. Чиройли дизайн, кўркам, хорижий матолар, Япония ҳамда Германия давлатларининг юксак самарали тикув машиналари мададида қўли гул тикувчининг маҳорати билан мижозлар мамнун қилинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб изланиш туфайли хусусий тадбиркор 23 хил турдаги маҳсулотларни тайёрлаб, «Чилонзор буюм бозори»да сотмоқда. Жумладан, ўрта мактаб ҳамда махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ҳам махсус хушбичим, бежирим формалар тикишни йўлга қўйишди. Буюртмаларнинг қисқа муддатларда, сифатли бажарилиши эътиборга лойиқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СИФАТГА ЭЪТИБОР— МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

ЎЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАГАН, РИВОЖЛАНИШНИ АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН ВА АЛБАТТА ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛГАН КОРХОНА АВВАЛО ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА, БОЗОР ВА ХАРИДОР ТАЛАБИГА ЖАВОБ БЕРИШИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.



Бунинг учун эса бозорни тинмай ўрганиш, маркетинг ишларини тўғри йўлга қўйиш, янгиликка интилиш, маҳсулот турлари устида изланиш муҳим аҳамият касб этади. «EAST-KOLOR» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига бир неча йил ўтган бўлсада, тадбиркорларнинг изланишлари юксак самарасини бермоқда.

—Бунёдкорлик кўлами кундан кунга ортиб бораётган, салабатли ва маҳобатли кўркам бинолар юртимиз жамолини янада очаётган бугунги кунда, албатта, қурилиш ашёларига талаб ҳам ортиб бораверади, — дейди корхона раҳбари Геннадий Газиев. — Айниқса, бинолар чиройини таъминлашда, пардоз ишларининг сифатли бажарилишида рақобатбардош лок-бўёқ маҳсулотларининг алоҳида ўрни бор. Шу боис ҳам биз, аввало четдан келтирилган ана шундай маҳсулот ўрнини босадиган лок-бўёқлар ишлаб чиқариш йўлида ҳаракат қилаяпмиз. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритиб маҳсулотларимизни ўзимизнинг хом ашёлардан тайёрлаяпмиз. Ана шу мақсадда аввалари Россия давлатидан келтириладиган олиф маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Асосий буюртмачиларимиз сафида кўплаб йирик қурилиш ташкилотлари ҳамда «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бор. Шуни мамнуният билан таъкидлашим лозимки, ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда, маҳсулотларимиз тури эса 140 хилдан ошиб кетди. Ўтган—2005 йилнинг ўзида янги 40 хил маҳсулот турлари буюртмачиларга етказиб берилди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида қўшимча ишчи ўринлари яратишга, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муҳим ҳисса қўшаяпмиз. Бу борада биз ўзимиз фаолият кўрсатаётган Ҳамза тумани меҳнат бўлими билан ҳамкорлик қиламиз. Биргина ўтган йилда 30 дан зиёд қўшимча ишчи ўринлари очишга эришдик.

Агарда рақамлар тили билан сўзлаш жоиз бўлса, тадбиркорлар 2004 йилда 400 минг сўмлик, 2005 йилда ундан 2,5 баравар ортиқ—1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишди. Жорий йилда эса буюртмаларнинг ортиши, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига экспорт қилишни йўлга қўйиш мақсадида 2 миллиард сўмликдан зиёд локбўёқ маҳсулотларини тайёрлаш кўзда тутилган. Шунингдек, янги маҳсулот турларини ҳам кўпайтиришга эришилди. Бугунги кунда ушбу мақсадлар йўлидаги сайъ-ҳаракатлар давом этмоқда.

Жорий йил ҳам ҳаракатлар самараси маҳсулот сифатида, иш унумдорлигида, корхона муваффақиятларида яққол акс этмоқда. Бунинг исботи эса тадбиркорларнинг «Ташаббус — 2006» кўрик-танловининг нафақат туманда, балки пойтахт босқичида ҳам 1-ўринни эгаллаб, ғолиб бўлганларидир. «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган корхона раҳбари Геннадий Газиев кўрик-танловнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган мазкур корхона тадбиркорлари мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келгусида маҳсулот экспортини кўпайтириш учун хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқа боғлашга интилишмоқда. Зеро, интилганга толе ёрдир.

Дилноза СОДИҚОВА
СУРАТДА: корхона маҳсулотлари.
Наталья Семёнова олган сурат.

Анжуманлар

ФАОЛИЯТЛАРИГА КАТТА МАДАД

БУГУНГИ КУНДА ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ РОЛИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОРТИБ БОРМОҚДА. АЙНИҚСА, ҲАР СОҲАДА ЎЗИНИ КЎРСАТИБ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА МУҲИМ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИМИЗ САФИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА.

Уларга мамлакатимизда тадбиркорликка очилган катта йўл, ҳукуматимиз ва Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари ниҳоятда қўл келиб, имтиёз ва кафолатлар ривожланишнинг асосий омили бўлмоқда. Албатта, бу борада тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратаётган давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни алоҳидадир.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошкент шаҳар тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси ҳам шаҳримизда тадбиркор хотин-қизлар сафи кенгайишида, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим ҳисса қўшмоқда.

—Президентимиз Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги маърузасида,—дейди жамоат бирлашмаси раиси Насиба Миродилова,—мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари саналган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг нуфузини оширишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шундан келиб чиқиб айтишим лозимки, эркин фаолият юритишимиз учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги боис ҳам мақсад ва вазифаларимизни муваффақиятли амалга оширмоқдамиз. Бугунга келиб сафимизга 700 нафардан зиёд тадбиркор аёллар ҳамда бизнес қилиш ҳаракатида бўлган хотин-қизлар бирлашган. Уларнинг кўпчилиги бирлашмамизнинг якин кўмагига таяниб тадбиркорликнинг сир-асрорларини ўрганган бўлса, бир қисми эса бошловчи тадбиркорларга ўрнак бўла оладиган ишбилармон аёллардир. Биз Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган соҳага оид ҳар бир Фармон ва Қарорларнинг мазмун-моҳиятини ташкилотимиз аъзоларига тушунтириш, фаолиятларида муваффақиятли қўллашларига эришиш мақсадида шу кунга қадар 50 га яқин ўқув семинарлари ташкил этиб, ушбу анжуманларда адлия, божхона, солиқ, банк ва бошқа соҳа мутахассислари иштирокларини таъминлаяпмиз. Бундай тадбирларнинг самараси тадбиркор аёлларимизнинг фаолиятларида ўз аксини топмоқда. Бугунги анжуманга ҳам божхона ва адлия ходимларини таклиф этдик.

Ҳақиқатан ҳам бирлашма қошида ўтказилган навбатдаги бизнес-семинарда Тошкент шаҳар божхона ва адлия бошқармалари мутахассислари иштирок этиб, айни пайтда амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорлар учун яратилаётган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди. Шу билан бирга мутахассислар тадбиркор аёлларнинг ҳар бир саволларига тўла жавоб беришга ҳаракат қилишди. Айниқса, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Рустам Саидбековнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижроси юзасидан жорий йил 6 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти, уларда кўзда тутилган қатор афзалликлар ҳақидаги тушунтиришлари, фикр-мулоҳазалари йиғилганларда яхши таассурот қолдирди. Бундай семинар-йиғилишлар тадбиркор аёллар фаолиятларида катта мадад бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА



Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

МУАЛЛИМ КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР

АЁЛНИ ЎҚИЛМАГАН КИТОБГА ҚИЁСЛАШАДИ. ҲАР БИР САҲИФАСИ СИРУ СИНОАТГА, МЕҲРУ МУҲАББАТГА ТЎЛА. УНИ КАШФ ҚИЛГАНИНГ САРИ ЮКСАКЛИККА ПАРВОЗ ЭТАВЕРАСАН. АЁЛ АЗАЛ-АЗАЛДАН ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ, САДОҚАТ ТИМСОЛИ ҲИСОБЛАНАДИ. АЁЛНИНГ МЕҲРИБОНЛИКЛАРИ ВА ҒАМХЎРЛИКЛАРИ БОИС ОИЛАДАГИ, ҚОЛАВЕРСА, ЖАМИЯТДАГИ МУВОЗАНАТ, ЯЪНИ ПОКЛИК, ҲАЛОЛЛИК САМИМИЯТ ВА АДОЛАТ МУҲИТИ БИРДЕК САҚЛАНИБ ТУРАДИ.

Дарҳақиқат, бугунги кунда хотин-қизларимиз иштирок этмаган биронта соҳани топишимиз қийин. Меҳринисо Абдураззоқованинг номини бугун кўпчилик ҳурмат билан тилга олмоқда. Маърифат зиёсини улашишдек улуғ ишда енг шимариб, ёшларнинг билимли, иқтидорли бўлиб етишишлари, шунинг баробарида олий даргоҳга киришларига ўз ҳиссасини қўшаётган бу аёл дунёни илм кўзлари билан кўради.

—Дунё мағзини, гўзаллик рангларини ёшлар қалбига сингдиришда,—дейди шаҳримизда фаолият юритаётган «Азиза Зиё» ўқув маркази раҳбари Меҳринисо Абдураззоқова. — Маънавий, илмий билимлар билан улар онгини, тафаккурини бойитишда, ўқитувчининг меҳнати беқиёсдир. «Худо суйган бандасини синайди», деганлари бежиз эмас экан. Хатолар, синовлар, қийинчиликлар охир-оқибат инсонни ўзини англашга, курашга, ҳаётнинг қадрига етишга ўргатаркан. Турмушдаги мушкулликларни енгишда сабр-тоқат, вазминлик билан иш юритиш кишига қанот бағишларкан.

Инсон ҳаётидаги барча ютуқларга ўз меҳнати, иқтидори, ақл-заковати, интилиш ва изланишлари билан эришмоғи лозим. Мен ҳар бир ўтган кунимга шукрона қилиб яшайман. Агар бизнинг ўқув марказимиздаги тайёрланаётган, билимини мустаҳкамлаётган ёшлар келажакда олий ўқув юртларига кириб ўз йўлларини топиб кетишса бу нафақат менинг, балки «Азиза Зиё» ўқув маркази жамоаси меҳнатининг шарофатидир. Истайманки, илм дунёси ҳар биримизни ўзига чорлаб, эзгуликка эш қилаверсин. Юртимизда илмга чанқоқ ёшлар кўпаяверсин, биз эса билим беришдан чарчамайлик...

Ҳа, ҳаёт ҳаракат дегани. Ким олға интилмаса, у ортга кетаверади. Меҳринисо ўрта мактабни олтин медалга битираётгандаёқ кимё ўқитувчиси бўлиб етишишга аҳд қилиб қўйганди. Ана шу истак уни Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетига бошлади. Университетни ҳам имтиёзли равишда битириб, ишфаолиятини мактабда, кейин эса академик лицейда давом эттирди, сўнгра Давлат тест марказида етакчи мутахассис бўлиб ишлади. У қаерда фаолият кўрсатмасин, изланувчанлиги билан ҳурмат қозоноверди. Изланишлар самараси уни билим соҳасида янгилик яратишга чоғлади ва биринчилардан бўлиб «Азиза Зиё» ўқув марказини ташкил этди.





—Ўқув марказини очиш истаги менинг доимий орзуим бўлган, қобилиятли, зеҳни ўткир ўқувчилар ҳам негадир институтларга киролмасдилар, бунинг сабабини мактабда етарлича билим олмаганларида деб билардим. Ёшларнинг билимларини мустаҳкамлаб, уларда ўзларига ишонч уйғотиш учун ҳам ушбу марказни очдим...

Ёшликдаги уқув, ташаббускорликка интилиш, ғайрат ва асосийси — ўзига ишониш ҳисси ҳам унга туртки бўлган бўлса ажабмас. Бугунги кунда мазкур ўқув марказида қўплаб малакали мутахассислар 100 дан ортиқ ёшларга сабоқ бермоқдалар. Ҳа, юзларидан кулгу аримайдиган, самимий боқишларида эса яширин сеҳр жойлашган бу аёлга негадир ҳавасим келди. Ёш бўлишига қарамай эзгулик йўлида шуъла таратаётган Меҳринисонинг исми ҳам жисмига мос. У оилада ҳам, ишда ҳам масъуллик юкини ўзида ҳис қилиб яшайди. Турмуш ўртоғи Орзиқул, фарзандлари Алишер ва Акбар унинг ҳаётдаги суянчлари.

—Биз,—дейди «Азиза Зиё» ўқув марказида билимини ошириб, бугунги кунда Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган Тўлқин Тўраев, Шуҳрат Чайбеков, Малика Расулова каби ўнлаб талабалар,—ушбу марказда билим олганимиз, илмимизни мустаҳкамлаганимиз боис ҳам талаба деган шарафли номга эришдик. Бу учун Меҳринисо опадан ва бошқа ўқитувчилардан миннатдормиз.

«Азиза Зиё» ўқув маркази бўлажак талабаларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқараётган даргоҳ. Илм олишни истаган ҳар бир ёш учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган.

Асосийси эса, ёшларга суянч керак бўлса сирдош, дўст бўла оладиган, уларнинг изланишларини, ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб ёрдам берадиган аёл бу масканга раҳбарлик қилмоқда.

Умид қиламизки Меҳринисо Абдураззоқова раҳбарлигидаги ушбу ўқув маркази келгусида ҳам ёшларнинг орзулари ва истакларини рўёбга чиқарувчи, уларга камолот йўлида истиқболли келажак эшикларини очиб берувчи энг керакли маскан бўлиб қолади. Мақолани Меҳринисонинг ижодига мансуб қуйидаги мисралар билан тугатишни лозим деб топдик.

Ёлғиз оёқ йўлда йўлдош бўлай деб,
Йиқилса қўллаган қўлдош бўлай деб,
Илму маърифатга дилдош бўлай деб
Сиз томон бораяпман азиз одамлар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Азиза Зиё» ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар.

Санъат

ИЖОДИЙ КЕЧА

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, МОҲИР НАЙЧИ, ХОНАНДА ВА БАСТАКОР ҲАЛИМ ЖЎРАЕВ ТАВАЛЛУД АЙЁМИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЖОДИЙ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирни мазкур институтнинг ректори Азиз Тўраев кириш сўзи билан очар экан жумладан шундай деди: «Ҳалим Жўраев нафақат моҳир санъаткор, балки меҳрибон ва оқил устоздир. У институтимизнинг «Халқ ижодиёти» кафедрасининг доценти, талабаларнинг сирдош дўсти ҳамдир. Биз шундай иқтидорли эл севган санъаткорларимиз билан ҳамиша фахрланиб келганмиз ва уларга сиҳат- саломатлик тилаймиз».

Шунингдек, кечада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қурсия Эсонова, Матлуба Дадабоева, Тоҳир Ражабий, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев ўзларининг дилрабо куй, қўшиқлари билан устоз санъаткорни мубораксбод этдилар. Саҳналаштирувчи режиссёр Ҳусан Мирпўлатовнинг саъй-ҳаракатлари боис ижодий кеча мароқли ва эсда қоларли даражада ҳушнуд ўтди.

ЁШ ДИРИЖЁРЛАРГА ЭЪТИБОР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ЁШ ДИРИЖЁРЛАР» КОНЦЕРТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ ҲАМКОРЛИГИДА ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ.

Кечада ёш иқтидорли дирижёрлар 10 ёшли Нилуфар Муҳиддинова, 11 ёшли Рустам Бек ва Беҳруз Неъматов, Иван Дениско, Нуран Мукуми, Азиз Шоҳакимовлар ўзларининг маҳоратларини йиғилганларга намойиш этдилар. Умид қиламизки, бу ёш санъаткорлар келажакда Ватанимиз шаънини ўз созларида тараннум этадилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ОРАСИДА «СХЕР АЗ ТЕХНО» КОРХОНАСИНИНГ НОМИ ҲАМ ТЕЗ-ТЕЗ ТИЛГА ОЛИНАДИ. МЕҲНАТ АҲЛИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН БАДИИЙ ВА СОВҒАБОП БУЮМЛАР СИФАТИ ҲАМДА НАФИС БЕЗАГИ БИЛАН ҲАМ АЖРАЛИБ ТУРИБДИ.

Сополдан тайёрланаётган маҳсулотлар тури янада кўпайди. Улар билан савдо қилувчи янги фирма дўкони ҳам очилди. Фосфордан хомашё сифатида фойдаланиб, ишлаб чиқарилаётган ошхона буюмлари ҳам мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Буни Юнусобод тумани бўйича ўтказилган «Ташаббус — 2006» кўрик-танлови ҳам кўрсатди. Корхона ўз изланишлари туфайли бу тадбирда юқори кўрсаткичга эришди.

Таълим

«АГРОНОМ» — 50 ЁШДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ КЎП НУСХАЛИ МАТБУОТ ОРГАНИ «АГРОНОМ» ГАЗЕТАСИ ЧИҚА БОШЛАГАНИГА ЭЛЛИК ЙИЛ БЎЛДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ТЎНҒИЧ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН БИРИ НАШРИНИНГ МАЗМУНИ ВА МУНДАРИЖАСИ ЙИЛ САЙИН ЯХШИЛАНИБ БОРДИ.

Газета саҳифаларида университетнинг кўп қиррали ўқув ва илмий фаолияти мунтазам ёритиб келинмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда эришилаётган ютуқлар ҳам «Агроном» газетаси орқали оммалаштирилмоқда.

«Маънавият ва маърифат», «Ўқитишнинг янги педагогик технологиялари», «Талаба, ўқитувчи ва ўзаро ҳамкорлик» номли рукнлар остида ёритилаётган мақолалар муштарийларда қизиқиш уйғотмоқда.

Шу сана муносабати билан газетанинг юбилей сони тайёрланди.

Малоҳат РАҲМОНОВА

МУЗЕЙЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ВАРШАВАДАГИ ТИНЧ ОКЕАНИ МУЗЕЙИ ЭКСПОНАТЛАРГА БОЙ. ЖАҲОНГА МАШҲУР БЎЛГАН БУ ДАРГОҲДА МАДАНИЯТ ТАРИХИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАР ТАЛАЙГИНА. МУСИҚА САНЪАТИГА ДОИР ЭКСПОНАТЛАР НАМУНАЛАРИ УЧУН ЭСА АЛОҲИДА ЖОЙ АЖРАТИЛГАН.

Шу соҳадаги экспонатлар Тошкентдаги Мухтор Ашрафий уй-музейи билан ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди.

Шу муносабат билан Варшава музейи делегацияси Тошкентдаги уй-музейда меҳмон бўлди. Самимий ўтган бу учрашув чоғида экспонатларни айирбошлаш тадбирлари кўрилди. Ўзаро келишувга биноан атоқли композитор Мухтор Ашрафий асарлари ёзилган пластинкалар Польшага юборилади. Шунингдек, «Дилором», «Севги тумори» саҳна асарлари мусиқа нусҳалари ҳам Варшава музейидан ўрин олади.

Акбар АЛИЕВ

Заҳматкашларимиз

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР, ДЕГАН ИБОРАНИ КЎП БОР ЭШИТАМИЗУ, ЛЕКИН УНИНГ ЗАМИРИДА ҚАНЧАЛАР ЧУҚУР МАЪНО МУЖАССАМ ЭКАНИНИ ПАЙҚАМАЙМИЗ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ АЁЛЛАРИМИЗНИНГ НАФАҚАТ ОИЛАДА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШЛАРИДА ФАОЛЛИГИ ОШДИ. БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕК АЁЛИ ЎЗИНИНГ АҚЛУ ЗАКОВАТИ, ИШБИЛАРМОНЛИГИ, ЎТКИР САЛОҲИЯТИ БИЛАН ҲАР БИР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛАЁТИР. ШУ МАЪНОДА АЁЛ БУГУН ОИЛАНИ ҲАМ, ЖАМИЯТНИ ҲАМ, ҚОЛАВЕРСА ДУНЁНИ ТЕБРАТМОҚДА. АЁЛ ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН БЎЛГАН МАҲАЛЛАНИ БОШҚАРМОҚДА.



ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН АЁЛ

Ҳаммамизга маълумки, айни кунларда республикамиздаги ўзини- ўзи бошқариш органи бўлган барча маҳаллаларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг сайлови давом этмоқда. Ҳамза туманидаги «Донишманд» маҳалласида бўлиб ўтган сайловда маҳалла аҳли маҳаллага фуқаролар йиғини раисини сайлаш ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтиришмади. Икки йилдан ортиқ муддат мазкур маҳаллага раислик қилиб келаётган Муҳаббат Абдумуслимованинг номзодини қайта сайлаш учун овоз беришди. Албатта бу вазифага маҳалла учун фидойи, жонкуяр, ишбилармон, ҳаётий тажрибага эга, ҳар томонлама бошқаларга ибрат бўладиган инсонни сайлаш керак эди. Бу вазифага маҳалла аҳли 2003 йилда Муҳаббат опани сайлаб адашишмади. Шу ўтган қисқа муддат ичида опа маҳаллани оёққа турғазди. Аввало атрофидаги маслаҳатчилари, хотин-қизлар комиссияси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи билан биргаликда ўз иш режасини тузиб, ҳукуматимиз қарорлари ва дастурлари асосида фаолиятини бошлади. Аввало эътиборни маҳалла аҳли ҳаёти ва муаммоларини ўрганишга қаратди. Маҳаллани ободонлаштириш, осойишталигини таъминлаш, тартиб-интизом, озодаликка аҳамият берди. Баъзида тунлари ҳам маҳалла идорасида мавжуд муаммоларни ҳал қилиш билан қолиб кетишга тўғри келарди.

— Маҳалламизга Муҳаббат Абдумуслимова раислик қилганидан буён унда катта ўзгаришлар юз берди.Маҳалламиз обод бўлиб, кўчалар асфальт қилинди. Маҳаллада ўтадиган тўй-ҳашам, маъракаларга бош-қош бўлиб, иложи борича ихчамлаштирилиб, ортиқча харажатларнинг олди олинадиган бўлди. Кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кишиларга хайру саховат кўрсатишга катта эътибор қаратилди,—дейди «Донишманд» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Ойсанам Усмонова.— Муҳаббатхон бу эркакларнинг иши, деб ўтирмайди, ҳамма вақт халқ дарди, ташвиши билан яшайди. Айниқса оилаларнинг тинчлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш, қайнона-келин муносабатларини тўғри ва одилона ҳал қилишда баҳамжиҳатликда ҳамфикр бўлиб фаолият олиб бормоқдамиз. Шу билан бирга маҳалламизда барча байрам тадбирлари шодиёна тарзда ўтказилмоқда.

Муҳаббат Абдумуслимова асли зиёли педагоглар оиласида таваллуд топган. Оталари Асқар ака ҳамда оналари Умри ая кўп йиллар мактабда ўқитувчилик касбини эъзозлаб келишган. Уларнинг тўрт нафар қизлари ҳам ота-оналари изидан бориб педагоглик касбини танлашди. Муҳаббат опа ҳам Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетини тугатиб, 1973 йилдан 198-мактабда педагоглик фаолиятини бошлади. Кейинчалик шу мактабда директор ўринбосари вазифасида ишлади. 1981-2001 йилларда эса Ҳамза қурилиш коллежида фаолиятини давом эттирди. Ўз касбига меҳр қўйганлиги, болаларни жонидан ортиқ кўриши меҳнат фаолиятида ёрқин намоён бўлди. Муҳаббат опадаги ғайратшижоат уни бора-бора маҳалла ҳаётига ҳам жалб этмай қўймади. Уни серғайратлиги, ташаббускорлиги туфайли 1997 йилдан маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси этиб сайлашди. Нафақага чиққач эса буткул маҳаллага боғланиб қолди. Маҳалладошлари қувончию-ташвишига шерик бўлиб, хотин-қизлар ўртасида самарали ишларни олиб борди.

Ҳаёт оғир синовлардан иборат экан. Муҳаббат опанинг бахтиёр ва тотув оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Турмуш ўртоғи Абдукабир Абдумуслимов билан бахтиёр турмуш кечириб, уч фарзандни ўқитиб, комил инсон қилиб тарбиялашди. Лекин оила бошига катта ташвиш тушди. Абдукабир ака хасталик туфайли ётиб қолди. Муҳаббат опа 16 йил хаста бўлиб ётган Абдукабир акага парвона бўлиб, дардига ҳамдард бўлди. Минг афсус, тақдир ҳукмига кўнмай илож йўқ. Абдукабир аканинг вафоти Муҳаббат опани катта қайғуга солди. Энди оила, болалар тарбияси энди кўпроқ опанинг зиммасига тушди. Ўзини мактаб, болалар тарбияси, кейинчалик маҳалла ишлари билан овутди. Болаларига яхши тарбия бериб,-ўқитди, оёққа турғазди.Уйли-жойли қилди.

Меҳнат инсонни барча ғам-ташвишлардан чалғитиб, ҳаётга, яшашга иштиёқ уйғотади, албатта. Муҳаббат опа ҳам қатъиятлилиги, ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топди. Ўғил-қизлари, келини, ардоғида 7 нафар набирасининг бувиси, «Донишманд» маҳалласининг ташаббускор онахони бўлиб, эл дарди билан яшамоқда.

— Маҳалланг— ота-онанг, деб бежиз айтишмас экан. Менинг шу маҳаллам, маҳалладошларим билан ҳаётим мазмунли,—дейди Муҳаббат опа.— Маҳалла ишларидан чарчаб, қўл силтаган вақтларим бўлган эмас. Маҳалладошларим қувончию ташвиши билан яшаш менга завқ бағишлайди.

Муҳаббат опа билан суҳбатлашиб, унинг дилидаги армонларию орзу мақсадларини тинглаб, бу кичик жуссали аёлда қанчалар метин ирода, сабот, ғайрат-шижоат яна қанча эзгу-ниятлар бисёр эканлигини кўриб дилдан ҳавас қилдик. Зеро, Муҳаббат опа сингари ҳаётда, меҳнатда тобланган, эл ишига ҳамиша камарбаста бўладиган аёлларимиз шаънига чексиз таҳсинлар айтсак арзийди.

Дилором ИКРОМОВА

Маслаҳатчи минбари

МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАР ВАТАН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК ҲОЗИРДА БАРЧА МАҲАЛЛАЛАРДА ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. УШБУ ВАЗИФАГА МАҲАЛЛАДАГИ ИБРАТЛИ, НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР СОҲИБАЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАГА ЭГА, ИШБИЛАРМОН СОЛИҲА, ДОНО АЁЛЛАР ТАЙИНЛАНДИ.

Учтепа туманидаги «Шарқ гули» маҳалласида ҳам ўз оиласи, ҳаётий тажрибаси билан бошқаларга намуна бўлиб келаётган, тиниб-тинчимас аёл Басира Сафарова ушбу вазифада меҳнат қилиб келмоқда. Басира опа, Шайхонтоҳур туманидаги мактабгача таълим масканларидан бирида 25 йилдан ортиқ услубчи мудира сифатида ҳалол ва самарали меҳнат қилди. Опа нафақага чиққан бўлсада, тадбиркорлик билан шуғулланади. Унинг фаоллиги, ташаббускор ва ташкилотчилигини ҳисобга олиб, Учтепа тумани «Шарқ гули» маҳалласида хотин-қизлар комиссияси раисаси сўнгра диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинлашди.

— Мен, — дейди Басира Сафарова, — Юртбошимиз Фармонларида белгиланган вазифалар бўйича маҳалланинг низоми ва иш режасини белгилаб олганман ва шу асосда фаолият бошлаганман. Маҳалла ўз уйимиз, муқаддас масканимиз. Уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тинчлигини, осойишталигини таъминлаш асосий вазифамизга киради. Шунингдек, маҳалламизда хотин-қизлар орасида турли танловлар ва тадбирлар ўтказиб, яхши натижаларга эришаяпмиз. Маҳалла аҳли доимо бир-бирини ҳурматлаб, эъзозлаб яшайди. Яхши, ёмон кунларимизда ҳам ҳамдам, ҳамқадам ва ҳамиша ҳамкормиз.

Ҳа, Басира опа ўзига юклатилган вазифанинг улкан масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада тикиш-бичиш, ҳунар ўрганиш, каштачилик, рақс, каратэ тўгараклари ташкил қилинди. Хотин-қизларни ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби тадбирларни амалга оширишда ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

«Шарқ гули» маҳалласида «Соғлом муҳитда соғлом авлод камол топади» шиорига амал қилинган ҳолда иш олиб борилади. Маҳалладаги барча фаоллар бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик билан маҳалла муаммоларини ҳал қилиб келмоқда. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг саъй-ҳаракатлари билан ажралишаётган 4 та оила ярашиб, яна бир нечта оилалар муросага келтирилди. Бундан ташқари маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, беморларга ёрдам бериб келинмоқда.

— Маҳаллада ўтадиган маросим ва тўйларни ҳам ихчамлаштириб олганмиз, ҳар ҳолда исрофгарчилик бўлмагани яхши, — дейди Басира опа. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Шарқ гули» маҳалласида опанинг ташаббуси билан ташкиллаштирилган зардўзлик, каштачилик йўналишлари бўйича ҳар ойда кўчалараро мусобақалар ўтказилади. Ғолиб қизлар маҳалла жамғармаси томонидан рағбатлантирилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамиятнинг мустаҳкамлиги оилага боғлиқ. Оила тинчлиги, файзи, баракоти, кўрки ва хотиржамлиги эса хотин-қизларга боғлиқ. Аёл уйнинг чироғи, деб бекорга айтилмаган. Ҳаё, ибо, садоқат, меҳру муҳаббат, сабру қаноат, оилапарварлик ва болажонлик каби улуғ фазилатли аёллар эртанги кун ҳаётимизнинг мазмунидир.

Маҳалланинг ташвишию, қувончларига ҳаётини чамбарчас боғлаган Басира опа сингари меҳнаткаш, оқила аёллар эса, умрнинг безагидир.

Гулнигор САТТОРОВА

Саломатлик сирлари

ТАБИИЙ МУОЛАЖАЛАР

ШУНДАЙ ҚИЛИБ КЎЗГУДА ЎЗ АКСИНГИЗНИ КЎРИБ, ЎЗИНГИЗНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЛОЗИМЛИГИНИ СЕЗДИНГИЗ. ҲОРҒИН ЧЕҲРА, КЕРАГИДАН ОРТИҚЧА ВАЗН. ХЎШ, ИШНИ НИМАДАН БОШЛАМОҚ ЛОЗИМ? АЛБАТТА ТАБИИЙ ВОСИТАЛАРДАН-ДА.

ҚАТИҚ ЗАРДОБИ

Қатиқ зардоби хушхўр ичимликлар турига кирмаса-да, организм учун жуда фойдалидир. Танадаги ортиқча ёғларни чиқариб ташлаб, тўқималарнинг янгиланишига ёрдам беради. Қатиқ зардобидан чарчоқни бартараф этиш, организмни тозалаш мақсадида фойдаланилади.

КЎК ЧОЙ

Бу тетиклаштирувчи ичимлик саратон, инсульт ва инфарктнинг олдини олиш билан бирга юздаги ажинларнинг камайишига ёрдам беради. Кунига 5 пиёла кўк чой ичиш организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Қон босимини меъёрлаштириб, яхши уҳлашга ёрдам беради.

АЛОЭ

Ушбу ўсимлик қувватни ошириши билан бирга тўқималарнинг эластик бўлишини таъминлайди. Ўсимликдаги фаол моддалар ҳужайралар алмашувини тезлаштиради ва шамоллашнинг олдини олади, шунингдек, ширасы соч тўкилишига даво.

Гули ЧЕҲРА тайёрлади

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Турк олими Мустафо Ҳомийпошшо ўзининг «Вазоифи атфол» («Болаларнинг вазифалари») деган китобини ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига, уларнинг одоб-ахлоқ масалаларига бағишлаган. Китобда болаларнинг Ватан ва халққа садоқатда бўлиши, ота-онани ҳурмат қилиши, устозни эъзозлаши, мард, инсофли, ҳаёли, тўғри сўзли бўлиши ҳақидаги масалалар баён қилинади.

Болалар ҳаётда ўсиб-улғаяр эканлар, уларнинг толелари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахту саодатли бўлади ёки гумроҳлик йўлига кириб, бахтсиз бўлиб қолади!

Бола қандай қилиб бахтиёр бўлиши мумкин? Агар ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмай, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчалик қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.

Бола қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз ота-онасини беғараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларида ўзларини айбдор деб ҳисобламай, ота-онасига туҳмат тошларини отишади, бахтсизликнинг сабабчиси қилиб уларни кўрсатадилар.

Болалар! Сиз ҳаётда кўриб турганингиздек, илмли ва маърифатли кишилар ҳамиша иззат-икромда, пули кўп, манман деган бадавлат кишиларнинг эса обрўйи уларнинг олдида пастдир. Бундан кўриниб турибдики, илм кишини эл олдида азизу мукаррам қилар экан!

Дунёда туғилиб ўсган ҳар бир инсон ўз келажагининг ғамини ейиши муқаррардир. Кўнгилдагидек яшашнинг асосий воситаси эса илм олиш ва ҳунар ўрганиш. Илм олиш ва ҳунар ўрганиш эса ёшликдан бошланади.

Болалар! Сиз ҳаётга назар солинг, эрталаб қуёш чиқиши биланоқ барча тирик жон, ҳатто қушлар ҳам, ўринларидан туриб ишлаш ва тирикчилик қилишга тушадилар, меҳнат қиладилар. Тунда эса уйқуга ётиб, кундузи сарфлаган кучларини қайта тиклаш пайида бўладилар. Демак, кимки яхши ишга қўл урса, яхши нарсаларга эга бўлади, кимки ёмонлик қилса, ёмон кўриниб эл назаридан қолади. Ҳар бир бола дунёда олим ва фозил бўлишга, ўзини софлик ва тўғрилик зийнати билан безашга интилиши Ватан ва халқига муносиб хизмат қилишга лойиқ бўлишга уриниши шартдир. Ўз ота-оналарини эса ҳалол хизматлари билан мамнун этишлари керак. Ёшлигидан илм ўрганишга уринган, ўзини тўғрилик ва софлик фазилати билан безаган кишилар доим элу юртини обод қилишга муяссар бўлганлар.

Болалар! Сиз яхши хулқ эгаси, эзгу ният ва гўзал фазилатлар соҳиби бўлишингиз учун нималар қилишингиз лозим? Бунинг учун нималар қилишингиз лозим? Бунинг учун яхши ишлар йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмаслигингиз, ота-она ва ўз устозларингизнинг розилигига эришишингиз, вақтингизни фойдали ишдан бошқа ишларга сарф этмаслигингиз, илму фан таҳсилига бутун куч-ғайратингизни қаратишингиз керак.

Болалар! Биз учун ҳаётда энг буюк ва шарафли бир йўл бор. Биз бу йўлдан асло чиқмаслигимиз керак. Бу йўл инсонийлик йўлидир. Бу йўлга амал қилган киши ҳамиша бахту саодат соҳиби бўлади, бу йўл одамларга маънавий куч-қувват беради, кишини тўғри йўлдан чиқармайди. Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликни қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам кишининг инсонийлик бурчларидан бири ҳисобланади.

ОТА

Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди, кийдириш учун кийим-кечак топади, ичишимиз ва ейишимиз учун емиш топиш пайида бўлади, боринги, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишини, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё этиш йўлида жон-жаҳд билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоатда бўлишимиз, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак бўлганда дарҳол ёрдамга шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамиша шай туришимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифалардан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи бўлмайди.

ОНА

Болалар! Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру муҳаббатини ишга солиб, оромидан кечиб, кечалари ухламай, тарбиямиз билан машғул бўлган. Хафа бўлиб қолсак ёки кўнглимиз бир оз ранжиса атрофимизда парвона бўлган, тобимиз қочиб қолса ҳузур-ҳаловатини йўқотган ҳам она! Боғбонсиз бирор дарахтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун боғбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайидан бўлади. Буни фаҳмлаган ҳар қандай бола ўз онасини барча нарсадан устун қўяди ва ҳамиша ҳурматини қилади.

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга қўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сўзларига қулоқ солиб, маслаҳатларига амал қилади, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади.

Вояга етган болалар яхши тарбия кўриб, бирор касбни эгаллаб олганларидан кейин, ҳар вақт оналари олдига келганларида бир вақт шу онасидан сут эмиб, катта бўлганларини, унинг қучоғида парвариш топганларини ўйлаб, ҳеч қачон онага қаттиқ гапирмайдилар, юмшоқ сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг ўзлари учун чеккан жафоларини кўз ўнгларига келтириб, шу чеккан жафо ва меҳнатларини унуттиришга уринадилар, уларнинг дил розиларини олиб, бир умрга шодмон қиладилар.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

ПОЙТАХТ ЁШЛАРИНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ УНУМЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ, СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА ЁШЛАРДА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТЎРТ КУН ДАВОМИДА ШАҲРИМИЗДА 14-17 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШЛАР ОРАСИДА «КЕЛАЖАК ФУТБОЛИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.





Болалар спорти

САРДОР ВА ФАОЛЛАР БЕЛЛАШДИ

ХАЛҚИМИЗДА «БОЛ ШИРИН—БОЛДАН ҲАМ БОЛА ШИРИН» ДЕГАН НАҚЛ БОР. ДАРҲАҚИҚАТ, ИНСОН ҲАЁТИНИНГ БЕҒУБОРЛИК ДАВРИНИ ҲЕЧ НАРСАГА ҚИЁСЛАБ БЎЛМАЙДИ... БИРОҚ ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ БИЛАН ОТА-ОНА, ЯҚИНЛАРИ МЕҲРУ МУРУВВАТИДАН БЕБАҲРА БЎЛГАН ГЎДАКЛАРНИНГ НИГОҲЛАРИДАГИ МУНГ, АРМОН, ЎКИНЧ ҲИСЛАРИ ЭСА ҲЕЧ КИМНИ БЕФАРҚ ҚОЛДИРМАЙДИ, АЛБАТТА.

Тақдимот

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Шу боис, Ички ишлар вазирлиги ва «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси маъмурияти билан ҳамкорликда ўтказилган хайрия тадбирига шаҳримиздаги А.Хлебушкина номидаги 22-сонли ҳамда 30,23,31,21,24-Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда хизматни ўташ вақтида ҳаётдан кўз юмган милиция ходимларининг фарзандлари, оила аъзолари таклиф этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ташкилотчилар бу йил меҳмонлар учун ўзига хос туҳфа ҳозирладилар. «ЖАР» мажмуасининг ички имкониятларидан келиб чиқиб бунёд этилган 4.000дан ортиқ томошабинни ўз бағрига оладиган очиқ от спорти манежидаги замонавий қулайликлар тадбир иштирокчиларида илиқ таассурот қолдирди.

Мазкур мажмуанинг очилиш маросимида сўз олган Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, полковник Абдуғафур Сатторов, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси бошлиғи, полковник Абдусалом Исахўжаевлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган режали ишларнинг аҳамияти хусусида алоҳида тўхталишди.

—Бошқа спорт турлари қатори от спорти ҳам республикамизда кенг миқёсда ривожланиб бормоқда,—дейди ИИВ «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Зайниддин Улуғмуродов биз билан суҳбатда.—Эндиликда ёшларимизни янада эпчил, чаққон ва бақувват қилиб тарбиялашда бу спорт турини ривожлантириш зарурати туғилди. Тез ва қисқа фурсатларда, замон талабига мос тарзда қурилиб фойдаланишга топширилган мазкур манеж ана шу эҳтиёж ҳосиласидир.

Тадбир давомида ташкилотчилар томонидан таъсис этилган совғалар болажонларга топширилди. Бундан ташқари «Шодлик», «Турон юлдузлари», «Оловиддин» сингари рақс дасталари, от спорти билан шуғулланувчи спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари болажонлар дилига қувонч бахш этди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

«Келажак футболи» лойиҳаси доирасида ўсмирлар ўртасида ўтказилган ушбу футбол мусобақаларини Ўзбекистон Футбол федерацияси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, «Prostarl Event Management» компанияси ташкил этишди.

Турнирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар ҳамда туман бўлимларининг энг кучли сардор ҳамда фаолларидан иборат бўлган футбол жамоалари қатнашди. Қуръа ташлаш натижасига кўра 12 жамоа 4 та гуруҳга бўлингани ҳолда беллашди. Улар орасида «А» гуруҳидан ҳужумкор ва сермаҳсул ўйин кўрсатган «Собир Раҳимов» жамоаси, «D» гуруҳидан эса «Ҳамза» жамоаси энг яхши натижаларни қўрсатишгани ҳолда финал учрашувига йўлланмани қўлга киритди.

Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» стадионида ўсмирлар мусобақасининг «Собир Раҳимов» ҳамда «Ҳамза» жамоалари ўртасидаги финал беллашуви ниҳоятда қизиқарли ўтди. Албатта, ёшлар ўртасидаги ҳар бир мусобақа, у қайси спорт тури бўйича ўтказилмасин, кескин ва муросасизлиги билан ажралиб туради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳар иккала жамоанинг кучлари деярли тенг эканлиги сабабли, ҳужумчилар қанчалик ҳаракат қилишмасин, асосий вақт 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

Ўйиндан кейинги пенальтилар баҳсида эса «Собир Раҳимов» жамоаси бир оз аниқроқ ҳаракат қилгани ҳолда 3:2 ҳисобидаги ғалабага эришди ва турнир ғолиби бўлди.

Финал баҳсидан сўнг мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Келажак футболи» мусобақасининг финал баҳсидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Мунажжим башорати

ИЖОДКОРЛАРНИНГ ОМАДЛИ КУНИ

7 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, БУГУН ДАМ ОЛИШ, ЎЗИНИ БЎШ ҚЎЙИБ, ТУРЛИ ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ФОЙДАЛИ БЎЛАРКАН. БУГУНГИ КУНДА КЎПРОҚ ИЖОД КИШИЛАРИГА – РАССОМЛАР, АКТЁРЛАР, СОЗАНДАЛАР ВА ХОНАНДА-Ю РАҚҚОСАЛАРГА ОМАДЛИ КЕЛИШИ КУТИЛАДИ. УЛАР ҲАМДА ОЛИМЛАР ВА АДИБЛАРГА ИЛҲОМ ПАРИСИ ТАШРИФ БУЮРИШИ ВА ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАРГА ЙЎЛ ОЧИЛИШИ МУМКИН.

Кечқурун ажойиб давр бошланади – Ой ритмлари ҳар биримизнинг ичимиздаги барча эзгуликларнинг намоён бўлишига хизмат қилади, гўзалликни ҳис этишимиз, яқинларимизга муҳаббатимизни тўкиб солишимиз, ижодий қудратимизни намоён этишимизга ёрдам беради.

Бугунги кун олов ва темир билан боғлиқ ишларга, яъни темирчилик, металлургия корхоналари жамоалари ишига омадли бўлади.Картошкадан бошқа экинларни экиш ҳам бугун хайрли бўлиши кутилади.

Сув тўла идишнинг тасодифан синиши бугун яхши аломатлар қаторига киради. Ёмғирда қолиб кетиш ҳам – яхшиликка. Тишнинг синиши ёки пойабзалнинг йиртилиши эса, нохушликлардан хабар беради. Киприк ва сочларнинг тўкилиши ҳам яхшиликка бўлмайди.

Бу кеча кўрилган тушлар, айниқса қуёш кўтарилганидан кейин кўрилганлари башоратли ҳисобланади. Уларни эслаб қолиш, иложи бўлса ёзиб қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бугун пешоб йўллари, шунингдек, буйраклар, умуртқа хасталикларга мойил бўлади. Қон қуйдириш ва қон олдириш тавсия этилмайди.

Яхшиси – кулранг, яшил ёки ҳаворанг кийимларингизни кийганингиз маъқул. Ёркин ранглардан, айниқса, қизил тусли либослардан ўзингизни асранг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 1 июндан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 26 майда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (1кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида ҳақ тўланади.

1.Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	148,84
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-//-	10 м³	257,21
	Иситиш учун	-//-	10 м³	119,26

Эслатма: 2006 йил 15 июнгача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича эски (10м.куб.—127,21 сўм) нарх ҳисобида олинади. 2006 йил 15 июндан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

2.Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчи тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	Ойлик
2.1	Марказий (якка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 м³	396,0	283,0
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15м³	4632,0	386,0
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситгич	1 кишига 16 м³	4944,0	412,0
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар якка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1м³га 5,76м³	343,5	68,7

«Тошкентшаҳаргаз» ХГТ корхонаси

ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН МИРОБОД ТУМАН 1-СОНЛИ ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИДАГИ ЎРНИ БЎШ НОТАРИУСЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) комиссия номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) шахсий варақа (сўровнома);

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) нотариал ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;

з) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6